

МЕДИАМАТНЛАР – МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА

Мухтарам УЛУКОВА

ўқитувчи

Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

bonuw818@gmail.com

ORCID. <https://orcid.org/0009-0000-6914-6663>

Аннотация

Мақолада медиаматнларнинг миллат интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Медиа маконининг ижтимоий онг, тафаккур маданияти ва ахборот саводхонлигига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, медиаматнларда учрайдиган лингвистик хатолар, уларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий-лингвистик оқибатлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: медиаматн, интеллект, ахборот саводхонлиги, медиамаданият, лингвистик хато, таҳрир маданияти, тил маданияти.

РОЛЬ МЕДИАТЕКСТОВ В ФОРМИРОВАНИИ ИНТЕЛЛЕКТА НАЦИИ

Мухтарам УЛУКОВА

преподаватель

Университет журналистики и массовых

коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются роль и значение медиатекстов в развитии интеллектуального потенциала нации. Анализируется влияние медиапространства на общественное сознание, культуру мышления и информационную грамотность. Также анализируются языковые ошибки в медиатекстах, их виды, причины возникновения и социолингвистические последствия.

Ключевые слова: медиатекст, интеллект, информационная грамотность, медиакультура, языковая ошибка, культура редактирования, языковая культура.

Бугунги глобаллашув даврида ахборот оқими шиддат билан кенгайиб бораётган бир шароитда медиаматнларнинг жамият ҳаётидаги ўрни янада ортмоқда. Медиаматн нафақат ахборот узатувчи восита, балки ижтимоий онг, маданият ва миллий тафаккурни шакллантирувчи кучли коммуникатив

ресурс сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, миллат интеллектини шакллантириш жараёнида медиаматнлар марказий ўрин тутadi. Медиаматннинг сифат даражаси жамиятдаги умумий тил маданиятининг кўзгусидир. Медиа тилидаги аниқлик, мантиқийлик ва меъёрга амал қилиш нафақат ахборотнинг тўғрилигини, балки миллат тафаккурининг даражасини ҳам ифодалайди. Афсуски, замонавий медиаматнларда таҳририй ва лингвистик хатолар тобора кўпайиб бормoқда. Бу ҳолат медиа ахборотининг ишончлилигига, ўқувчи ва томошабин онгида тил меъёрларига бўлган эътиборни сусайтиришга сабаб бўлмоқда. Вақтли босма нашрлар жамиятга замон нафаси, илму маърифат, янгиликлар тарқатибгина қолмай, одамларнинг ёзма нутққа оид кўникма ва малакаларини амалиёт орқали оширадиган, луғат бойлигини кўпайтирадиган, саводхонликка ўргатадиган восита ҳам бўлиб келди. «...Миллатнинг интеллектини ёзма адабиётлар шакллантиришини илм-фан аллақачон исботлаган. Ва бу стратегик масала бўлиб қолавериши шарт!» [5].

Гарчи бугунги кунда (турли сабабларга кўра) босма нашрлар адади камайиб, газетхону журналхонлар сони қисқариб, интернет журналистикасининг мавқеи кундан кунга ортиб бораётган бўлса-да, босма нашрларнинг айна давр интернет журналистикасига ибрат бўладиган томонлари оз эмас. Ана шундай жиҳатлардан бири – неча ўн йиллар, балки ярим, бир асрлик изланиш, ижод йўлини босиб ўтган обрўли нашрлар саҳифаларидаги материалларнинг саводхонлик билан ёзилишидир.

Шу жиҳатдан қараганда, бугунги ўқувчи, талаба, ҳатто устозлар учун босма нашрларда эълон қилинган каттаю кичик матнлар тил қоидаларини амалиётда ўргатувчи дарсхона бўлади.

Медиаматннинг асосий функцияларидан бири – ахборот бериш билан бирга, уни таҳлил қилиш, баҳолаш ва оммага таъсир ўтказишдир. Шу жиҳатдан у миллат тафаккурининг ривожланишида ижтимоий онгни бошқарувчи омил сифатида намоён бўлади. Медиаматн – бу тил, услуб ва маъно жиҳатидан мураккаб коммуникатив тузилма бўлиб, у нафақат

ахборотни етказди, балки ижтимоий фикрни шакллантиради. Шу сабабли, медиаматн яратувчиси – журналист, муҳаррир ёки блогер тил меъёрларига қатъий амал қилиши лозим.

Медиаматнлар тили адабий тил меъёрларига таянадиган, умумхалқ тилига асосланган, ҳамма учун тушунарли ифодаларни қамраб олган, ижодкорлар томонидан жилоланган тилдир. У мана шу хусусиятларига кўра, ғоявий ва ҳиссий таъсир кўрсатишнинг энг самарали воситасидир [4].

Адабий тил меъёрлари – адабий тилнинг грамматик, лексик, фонетик, орфографик ва услубий жиҳатдан тан олинган қоидалар мажмуидир. Медиаматннинг нормативлик даражаси унинг ишончлилиги ва обрўсини белгилайди.

Медиаматнларда учрайдиган хатоларни «САҲҲОФ» нашриётида босмага тайёрланган «Журналистлигининг ташлама, болам» [2] номли китобда жамланган мақолалар мисолида ўрганишни мақсад қилдик. Хатоларни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Грамматик хатолар: Бу хатолар сўз шакллари, келишиқ, қўшимча ва феъл замонларининг нотўғри қўлланиши билан боғлиқ. Масалан, «Методикамиз ислоҳга муҳтож» мақоласида «Ўтган асрда она тилимизнинг мамалакатимиз ички ва ташқи муносабаларида, таълим-тарбияда, иш юритишда қўлланиш имкониятлари маълум даражада чеклаб қўйилганлиги, бу эса тилимиз тараққиётига таъсир кўрсатганлиги ҳеч кимга сир эмас». Бунинг «...аянчли оқибатларга олиб келганлигини давр кўрсатиб турибди. Афсуски бунинг жабрини яқингача тортганлигимиз ҳам бор гап». Бу ерда «чеклаб қўйилганлиги», «таъсир кўрсатганлиги», «олиб келганлиги», «тортганлигимиз» феълларидаги -лик қўшимчаси ҳеч қандай грамматик-семантик вазифани бажармайди. Оғзаки нутқда баъзилар, айниқса, диний уламолар нутқида кўп учрайдиган бу ҳолат баъзан бадий-публицистик асарларда, нутқларда ҳам учрайди. Ушбу тўпламдаги мақолаларда айни хатони такрор-такрор кўриш мумкин. Аслида, юқоридаги феъллар «чеклаб

кўйилгани», «олиб келгани», «таъсир кўрсатгани», «жабрини тортгани» шаклида қўлланса, маъно аниқ ифодаланади.

Турли соҳа вакиллариинг ёзма ишларида энг кўп учрайдиган муштарак хатолардан бири қаратқич келишиги талаб қилинган ўринда тушум, тушум келишиги ўрнида эса қаратқич қўшимчаси ишлатилишидир. Биз ўрганган китобда ҳам оз бўлсада, айтили хато учрайди: «Отахон шундай деб менинг оғзимга қарайди, гўёки набираси мени гапим билан ахдидан қайтиб қоладигандек» [2;45]. «Хатто бу оддийлик бизни туғилган кунларимизда ҳам кузатилмайди» [2;150]. Келтирилган гаплардаги «мени гапим», «бизни туғилган кунларимизда» ибораларида қаратқич билан қаралмиш муносабатлари бўлгани учун тушум эмас, қаратқич келишиги қўшимчаси ишлатилиши керак: менинг гапим, бизнинг туғилган кунимизда.

«Биз шундай тўйни яхши кўрадиган халқмизки,.. боламизни назарлардан асраш ўрнига, чиройли кийинтириб тўйга олиб борамиз». Ушбу гап мазмунидан журналист тўйларга эмас, тўйларни қанчалар яхши кўришимизга урғу бермоқчи экани равшан кўриниб турибди. Бунинг учун жумлани «Биз тўйни шундай (шунчалар – М.У.) яхши кўрадиган халқмиз...» тарзида тузиш керак бўлади. «Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда бир четда туриб...» – бир қарашда айтили сўзлар бирикмасида эътирозли ўрин йўққа ўхшайди. Аммо ундаги ҳар бир гап бўлаги вазифасини диққат билан таҳлил қилсак, муаллиф «ҳозирги» сўзини ахборот технологияларини эмас, балки даврни аниқлаштириш, уни урғулаш учун қўллаганини тушунамиз. Шунинг учун гап қурилишини «Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда...» деб ўзгартириш тўғри бўлади.

2. *Лексик-семантик хатолар:* Сўз маъносининг нотўғри танланиши ёки контекстан йироқ ишлатилиши. Масалан, «Унинг ҳар бир участкаси бирдек ишлаши лозим. Механизм шундай яратилиши керакки, ҳар бир участкага баҳо бериш имкони бўлсин» [2;4]. Таржима луғатларида «участка» сўзининг ўзбекча келтирилган муқобиллари – «тармоқ, соҳа» соҳа сўзларини айтили гапда ишлатиш ўринли бўларди. Шунингдек, «Механизм шундай

яратилиши керакки»даги «механизм» сўзи ўрнига соф ўзбекона «иш жараёни» бирикмасини қўллаш гап моҳиятини ўзгартирмайди.

3. *Услубий хатолар*: Тил услубларининг ўзаро аралашуви ёки контекстга мос бўлмаган сўзлардан фойдаланиш натижасида юзага келади. Масалан, китобда гап бўлакларини оғзаки ва адабий тил меъёрларига мувофиқ ўз ўрнига қўйиб ишлатмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Бу хато ўқувчининг жумла мақсадини аниқ, тиниқ англашига халақит беради, ғализликлар келтириб чиқаради. Мисолларда кўриб чиқсак:

«Унинг ҳам гапида жон бор» [2;28]. Айни гап «Унинг гапида ҳам жон бор» шаклида тузилса, стилистик жиҳатдан тўғри, равон бўлади.

«На тўйларимизда миллийлик бор, на кам чиқимлик» [2;151] – муаллиф бу гапда тўйларимизда миллийлик ҳам, камчиқимлик ҳам етишмайди, демоқчи. Бунинг учун гапнинг биринчи қисми «...тўйларимизда на миллийлик бор...», деб ўзгартирилса, кўзланган мақсад аниқ ифодаланади.

Айрим ижодкорлар, айниқса, ёш журналистларда гапларни пухта тузишга хафсаласизлик сезилади: “Мана бу гапинг бошқача бўлди, дедим хурсанд бўлиб” [2;30]. Озгина эътибор қаратилса, қисқагина гапда битта феълнинг икки марта ишлатилиши (бўлди, бўлдим) ифодани ўта жўнлаштираётганини сезиш қийин эмас. Айни ўринда гапни «Мана бу гапинг бошқача, дедим хурсанд бўлиб» тарзида тузиш мумкин. Афсуски, журналистикамиз амалиётида бунақа ҳолатлар кўп учрайди: “Ўзи асъаса-дабаба билан тўй қилса, қандай қилиб қолганларга бориб «насихат» қилиши мумкин?” [2;145] – бу гапда «қилмоқ» феъли уч ҳил кўринишда такрорланыпти, бу тилнинг сўз ва ифода бойликларидан ижодкорлик билан изланиб фойдаланмаслик оқибатидир. Журналистнинг тил бойлиги даражаси шу каби ҳолатларда яққол кўринади.

Матнлар моҳиятидан, умумлаштирувчи сўзлардан англаш мумкин бўлган маънонинг яна қўшимча сўзлар билан ифодаланиши муаллиф ва муҳаррирнинг сўзга эътиборсизлигини кўрсатади: “...фарзандини муассасамизда ўқитиш истагида бўлган ота-оналар сони кўп” [2;36] – бу

жумла “... ота-оналар кўп” тарзида якунлангани маъқул, ўртадаги «сони» сўзи ортиқча. Ёки мана бу гапга эътибор қаратайлик: “Фақат биз ҳамон уни ўз орамизда «пластик» дея атаймиз” [2;129] – муаллиф “Фақат биз уни ҳамон «пластик» деб атаймиз”, демоқчи. Баъзан шунчаки бепарқлик туфайли, баъзан матнни зўрма-зўраки «семиртириш» учун ноўрин ишлатилган бундай сўзлар медиа материалнинг таъсирчанлигини сусайтиради, сўз қўлланилишига талабчан ўқувчи кайфиятига салбий таъсир этади.

Ҳар қандай ёзма матндаги, жумладан, журналистик мақолалардаги гаплар ҳам мазмунан изчил бўлиши керак. Шундагина медиаматериал мантикий тизимга тушади, фикрлар бир-бирини тўлдиради, давом эттиради. Фикрни мисол ёрдамида изоҳлаймиз: “Отахоннинг... шинамгина кутубхонаси бўлиб, қишлоғимиз китобхоналари у йиллар давомида йиғиб келаётган китоблардан фойдаланарди. Хўжалик ҳамда мактабимизнинг кутубхонаси бўлса-да, ҳамма у кишининг уйдан китоб олиб ўқишга иштиёқманд бўлишарди. Сабаби, собиқ иттифоқ давридаги бу кутубхоналардан жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарларини топиш амримаҳол эди” [2;57] – диққат қилинса, муаллиф юқоридаги биринчи ва иккинчи гапда асосан отахоннинг кутубхонаси ҳақида маълумот бериб, учинчи гапда эса собиқ тузум кутубхоналари тўғрисидаги фикрга ўтиб кетди, аммо гапдаги «бу» олмоши мантиқни ўзидан олдин келган гапга бевосита боғлаши натижасида отахоннинг кутубхонаси ҳам “жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарларини топиш амримаҳол” бўлган кутубхоналар қаторига қўшилиб кетяпти. Гапда «бу» олмошини қўлламаслик керак эди.

Обрўли вилоят газетасида чоп этилган мақолалардаги баъзи гаплар журналист ва муҳаррирларнинг айрим ҳолларда ўз ишига ўта масъулиятсиз ёндашишидан дарак беради. “Хатто бу оддийлик бизни туғилган кунларимизда ҳам кузатилмайди. Хўш, бизда-чи?” [2;150] – иккинчи гап ўринсиз, ортиқча.

Орфографик ва пунктуацион хатолар: Ёзма медиаматнларда энг кўп учрайдиган хато тури – имло ва тиниш белгиларининг нотўғри қўлланиши.

Маълумки, кирилл ёзувига асосланган имло қоидаларида у, ю ёрдамчи қўшимчалари тенг боғловчи вазифасини бажарганда сўзга қўшиб ёзилиши ва тенг боғланган сўзлар орасида ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаслиги (каттаю кичик, гулу райҳон), юклама бўлиб келганда сўздан чизиқча билан ажратилиши (биламану, айтмайман; қарадию, гапирмади) ва сўзлар вергул билан ажратилиши қоидаларда белгилаб қўйилганди. Лотин ёзувига асосланган имломиз қоидаларида у, ю тенг боғловчи вазифасида келганда ҳам, қўмакчи бўлганда ҳам сўздан чизиқча билан ажратилади, фарқ шундаки, тенг боғловчидан кейин вергул қўйилмайди, қўмакчи бўлиб келса, вергул билан ажратилади. Кирилл ёзувига асосланган имлода нашр қилинган «Журналистлигингни ташлама, болам!» китобида энг кўп учрайдиган хатолардан бири айти шу қоидага риоя қилинмаслик билан боғлиқ.

“... сотувчи қиз бир лаҳзада ўзимни таънаю дашномларга қўмиб ташлади”. «Икки килограмм, деб берган мева зўрға 1 килою 700 грамлик тош босди» – бу гапларда тенг боғловчи вазифасини бажарётган ю билан у сўздан чизиқча билан ажратилиши хатодир. Бу хатолик ўқувчини чалғитади.

Хатто битта гапда бир хил, яъни тенг боғловчи вазифасида келган ёрдамчи қўшимчаларнинг бири сўзга қўшилиб, бошқаси эса сўздан чизиқча билан ажратиб, орага вергул қўйиб ёзилган ҳолатлар ҳам бор: “...тақинчоғу, кийим-кечак, қудага сарпо-ю, «бегойи сешанба» ва ҳоказо!” [2;141].

Шунингдек, китобда да, ку юклмаларини чизиқча билан ажратмай, сўзга қўшиб ишлатилган ўринлар кўп учрайди: «...ахборот-ресурс марказлари фаолият юритяптику», дерсиз” [2;38]. “... теварак-атрофингни йиғиштириб, супуриб-сидириб ўтурса бўладику ” [2;17].

Ҳақ (улуш, қисм) сўзига эғалик қўшимчаси қўшилса, ҳақи шаклига киради. Аммо оғзаки нутқимизда ва унинг таъсирида ҳеч қандай грамматик қоидага асосланмасдан айримлар «ҳақи»ни «ҳаққи» ёзадилар.

Китобда босилган «Фарзандингиз ҳаққини поймол қилмаяпсизми?» (сарлавҳанинг ўзида хато бор) сарлавҳали мақолада “... ҳатто таълим

муассасаси раҳбари ҳам дарсни бузишга ҳаққи йўқ” дейилади. Бу хато бошқа бир неча муаллифлар мақолаларида ҳам учрайди.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратсак: оғзаки ва ёзма нутқда «Худо ҳаққи» деган ибора ҳам ишлатилади. Бу ўринда, бизнингча, эгалик қўшимчаси иккилантирилган «қ» билан келиши фақатгина бир нарсага ҳақдорлик маъносини билдириб қолмай, балки фикрни таъкидлаш, қатъийлигига далолат қилади.

Керакли ўринларда вергул қўйилмай, нокерак жойда бу тиниш белгисини ишлатиш ҳам кўп учрайди. Айниқса, гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан ажратилиши керак бўлган кириш сўз, кириш гапларда вергул қўймаслик ҳолатлари оз эмас: «Аслида бу мавзуда қоғоз қоралашимга ҳам шу билан боғлиқ воқеалар сабаб бўлди». “Ҳақиқатда ўша йиллари таълимга эътибор сусайди” [2;54]. «Англаган бўлсангиз ҳозир сўз юритмоқчи бўлган мавзумиз инсоф ҳақида» [2;24]. Шунингдек, қўшма гапларда керакли ўринларда вергул қўйилмай, нокерак жойга бу тиниш белгисини қўйиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. «Қачон қараманг одам тирбанд» [2;26] – ихчам бўлсада, эга ва кесимлари аниқ кўриниб турган бу жумлани ташкил этган содда гаплар бир-биридан вергул билан ажратилиб, «Қачон қараманг, одам тирбанд» шаклида ёзилиши керак.

Тиниш белгиларидан бири бўлган тире (–)нинг ўз ўрнида қўлланилиши фикрнинг аниқ ифодаланишига, шунга қараб гап оҳангининг тўғри бўлишига хизмат қилади. Акс ҳол эса гаплар маъносини тез ва тўғри англаб етишга тўсқинлик қилади. Китобдан кўчирилган айрим мисолларга мурожаат қилайлик:

“Мисол учун солиқчи – газ баллони етказиб бериш, ветеринар – йўлга шағал тўкишни ташкил этиш, бандлик вакили – ободончилик билан шуғулланади” – «Мисол учун» кириш сўзидан кейин вергул қўйилмаган, оддий дарак гаплардан ташкил бу қўшма гапдаги тирелар ортиқча, ҳеч қандай синтактик вазифа бажармайди.

«Бу бор гап» [2;7] – эгаси олмош, кесими от сўз туркумидан бўлган бу жумла эса қоидага кўра «Бу – бор гап» шаклида ёзилиши керак. Айни ўринда тире гапнинг тугалланганлигини англатиб, ўқилиш оҳангига ҳам таъсир этади; маънони равшан англаш воситасидир.

Медиамаатнлардаги лингвистик хатолар келиб чиқиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ: Таҳрир маданиятининг сусайиши; ахборот тезкорлигига ортиқча эътибор, сифат назоратининг камайиши; тил меъёрларига оид билимларнинг етарли эмаслиги; ижтимоий тармоқлардаги эркин тил муҳитининг ОАВ тилига кўчиши; техник воситалар орқали автоматик таҳрир (автокоррекция) хатолари.

Медиамаатн тилидаги хатоларни камайитириш учун қуйидаги чоратadbирлар муҳим: Таҳрир маданиятини кучайтириш; журналистлар учун тил меъёрлари бўйича доимий семинарлар ташкил этиш; медиамаатнларни лингвистик экспертизадан ўтказиш; медиа таҳририятларида «тил муҳаррири» лавозимини жорий этиш; тил назорати учун сунъий интеллектли дастурлардан фойдаланиш.

Медиамаатнлар тили жамиятнинг умумий нутқ маданиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли, медиамаатнларда учрайдиган лингвистик хатоларни тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Медиа тили қанчалик соф, мантиқли ва меъёрий бўлса, миллий тилнинг обрўси шунчалик юксалади. Медиамаатнлар миллат интеллектини шакллантиришда ахборот, тарбия ва маданий коммуникациянинг узвий бирлашмаси сифатида хизмат қилади. Улар орқали жамиятнинг фикрлаш услуби, таҳлил маданияти ва ахборот саводхонлиги шаклланади. Шу сабабли, медиамаатнларни таҳлил қилиш, уларни миллий ғоя ва маънавиятни юксалтириш воситаси сифатида қўллаш замонавий таълим ва ахборот сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бакиева. Г. Х., Тешабаева Д.М. Медиамаконда матн: монография. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2019.

2. Журналистлигини ташлама, болам: мақолалар тўплами /Масъул муҳаррир А.Шерхолов. – Тошкент: Саҳҳоф, 2023. – 174 б.
3. Тошалиев И., Абдусатторов Р., Махмудова С. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуги. – Тошкент: Университет, 2000.
4. Шамақсудова С.Х. Медиамадан: тил, услуб ва жанр масалалари: монография. – Тошкент: ЖАВОҲИР-ИЛМ НАШР, 2023. – 128 б.
5. Эрматов Ҳ. Босма нашрлар трансформацияси: нималарга боғлиқ бўлиб қолмоқда? // Ҳуррият, 2022 йил 2 ноябрь сони.